



Халқ сўзи


Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 4 сентябрь, №184 (3296)

Пайшанба



ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 3 сентябрь кuni Оқсаройда Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артурни қабул қилди.

Буюк Британия нафақат иқтисодий йўналишда, балки таълим, маданият каби соҳаларда ҳам Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилаётган давлатдир.

Ислам Каримов меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатимиз аҳли нафақат Буюк Британия ёки Европа қитъасида, балки бутун жаҳонда нуфузли ўрин тутадиган Лондон Ситининг имконият ва салоҳиятини яхши билишини таъкидлади.

Эканлигига яна бир далилдир, — деди Ислам Каримов учрашувда. — Биз муносабатларимизни юксак кадрлаймиз.

Г.Артур Ўзбекистонга Лондон Сити маъмуриятининг етакчи вакиллари билан бирга келган. Меҳмонларнинг ташрифидан кўзланган мақсади юртимизда бизнес юритиш шарт-шароити билан яқиндан танишиш, тобора жадаллашадиган хусусийлаштириш жараёнида иштирок этиш,

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Фазлиддин АРЗИЕВ). Юртимизга ташриф буюрган Лондон Сити Лорд-мэри Гэвин Артур бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Солиқ Сафоев билан учрашди.

ЛОНДОН СИТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Музокарада икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар, юртимизда амалга ошириладиган иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг бориши, шунингдек, Ўзбекистондаги молия-банк муассасалари билан Лондон Ситининг айна турдаги институтлари ўртасида алоқаларни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислам Абдуғаниевич, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги санаси муносабати билан Сизга ва барча биродар ўзбек халқига самимий қутловларимни йўллаш менга катта мамнуният бахш этди.

Самимий эҳтиром ила, **Имомали РАҲМОНОВ,** Тожикистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари, Мамлакатингиз мустақиллиги кuni муносабати билан чин юракдан йўллаётган қутловларимни лутфан қабул қилгайсиз.

Хурмат билан, **Вера Вико-ФРЕЙБЕРГА,** Латвия Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги кuni байрам қилиниши муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг чин дилдан қутловларини ҳамда Сизга эътибор ва мамлакатингиз халқига раҳмат тилаб билдирган самимий истақларини йўллаш менга гоят катта мамнуният бахш этди.

АКИХИТО, Япония Императори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари, Қонажон юртимиз — Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги билан Сизни ва барча юртошларимизни муборакбод этишга руҳангиз эътиборини.

Эҳтиром ила, **Сафоҳон ибн Жалоҳон тўра Ал-МАРҒИЛОНИЙ** Тўраҳон Аъзамон ибн Жалоҳон Ал-МАРҒИЛОНИЙ Мелибек Исоқовиқ ТОШКАНДИЙ Хуришбек Олимбек ТОШКАНДИЙ Мўминжон Олимжон ибн Имомал АНДИЖОНИЙ Абдурахмонжон тўра ТўРАКИЕВИЙ Абдулҳамид Маҳсум АНДИЖОНИЙ Файзулла МАРҒИЛОНИЙ

Мақоми Муҳаррама шаҳри, 16 август 2003 йил.



Ўтган йилнинг кузига, айна пахта йиғим-терими авжга чиққан паллада Юртбошимиз жомбойлик пахтакорлар ҳузурига ташриф буюрган эди. Бу воқеа Хўжам Низаматов номли ширкат ҳўжалигида пахта сотиш юзасидан давлат бююртмаси бажарилган кунга тўғри келди.

АВАЗ АКАНИНГ САОДАТИ

— Давлатимиз раҳбарининг ушбу фикрлари мағзини қайта-қайта чақдим, — дейди бошқарув раиси Аваз Эргашев. — Иқтисодий ислохотларни ҳаётга табиқ этиш борасида кўплаб ишлар қилинди.

кўшимча равишда уларга 960 тонна дон, 133 тонна ет, 27 тонна усимлик ёғи берилди.

Аваз ака бир муддат туман агроасаноат бошқармасини ҳам бошқарибди. Аммо у ҳақиқий ишчи ҳўжалик раиси бўлган эди.

Сезгандирез, аслида Хўжам Низаматов номли ҳўжалик — туманида йўлаб, вилоятдаги йўлаб жомоалардан бири. Бирок унинг раиси камтарини ва самимий инсон. Шу пайтга қадар у ҳақда газеталарда бот-бот ёзилган, телевидениеда қатор-қатор кўрсатувлар берилмаган. Бугун эса ана шу ошди инсон — Ўзбекистон Қаҳрамони! Унинг саодати шундай!

Аваз аканинг отаси Эргаш бобо ҳам, онаси Хайит мома ҳам кўпчилик қатори деҳқончилик билан шугулланган, дала куйинчакларидан эди.

Яқинда Аваз аканинг ташаббуси билан яна бир хайрли ишга қўл урилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини учун янги бино, спорт мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди.

Натижада ўтган йил 442 гектар ернинг ҳар гектаридан 23 центнер урнига салкам 35 центнердан пахта йиғиштирилди.

Энди бўлса, ўша 40 центнерлик хирмон Аваз Эргашев парвозининг дебосчаси бўлган экан. Раҳбарлар қарашлики, ёш бригадирда илм бор, қатъият бор.

Бирок булар четара эмас. Аваз Эргашевнинг истиқболда мўлжалланган режалари шунчалик кўпки, барини тезроқ рўёбга чиқаришни истади.

ШҲТ: УЧРАШУВ ЖОЙИ — ТОШКЕНТ

2001 йилнинг 15 июнь кuni Шанхайда олти давлат — Хитой, Россия, Қозғоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг саммитида ШҲТнинг ташкил этилиши XXI аср бошидаги энг эътиборли воқеалардан бўлиб, томонларнинг биргаликда хавфсизлик, ўзаро ишончли муносабатларни, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ҳамкорлик масалаларини биргаликда ҳал этишга интилишларини ифодалади.

Тарихга минтақавий интеграциялашув жараёнининг янги босқичи сифатида кирган ушбу кунда юқорида қайд этилган давлатлар етакчилари қатор муҳим ҳужжатларни, хусусан, ШҲТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация ва терроризм, сепаратизм ҳамда экстремизмга қарши кураш бўйича Шанхай Конвенциясини имзоладилар.

МОЛИЯВИЙ ЁРДАМ МАСАЛАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Учрашувда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштириладиган темир ва автомобил йўллари қуриш лойиҳаларини молиялаштириш масаласи муҳокама этилди.

Табиики, бу ишнинг амалга оширишда халқаро молия ташкилотларининг қўмағи зарур. Музокарада иштирок этган Оснб тараққиёт банкнинг (ОТБ) Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Шон О'Салливан мазкур лойиҳага ОТБ катта қизиқиш билдираётганини маълум қилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишига доир

Хамда бажариш тартиби тўғрисидаги битимлар мавжуд. Давлат раҳбарлари кенгаши, Ҳўқумат раҳбарлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, вазирлик ёки идоралар раҳбарлари мажлиси, Миллий мувофиқлаштириш кенгаши, Котибят, Минтақавий аксилтерор тузилма каби идораларнинг ташкил этилиши эса ШҲТнинг яшовчанлигини яққол тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ШҲТнинг 2003 йил май ойи охирида бўлиб ўтган Москва саммити бу ташкилот тарихида муҳим воқеа эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

АБДУЛЛАНИНГ НАВБАТДАГИ ОЛТИН МЕДАЛИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири Зоҳир ТОШҲУЖАЕВ).

Жанубий Кореянинг Дэйу шаҳрида XXII Жаҳон талабалари университетлари мусобақаси якунланди. Ушбу йиллик анжуманда дунёнинг 174 мамлакатидан юзлаб спортчи иштирок этди.



да дэюдо бўйича жаҳон чемпионати ўтказилди. Мазкур мусобақада ва келаси йили Грециянинг Афина шаҳрида бўладиган Олимпиада ўйинларида ҳам олтин медаль учин курашаман.

СУРАТДА: Абдулла ТАНҒИРБЕВ. Муҳаммад АМИН олган сурат.

Иккиламчи ресурслар ва юқори технологиялар

Бугунги кунда бутун инсониятни ташвишга солаётган оламшумул муаммолардан бири — сайёраимизда ўнлаб миллион тоннага етган турли чиқиндиларни қайта ишлашнинг юқори самарали усулларини излаш ва ўзлаштириш билан боғлиқдир. Тошкентда бошланган «Иккиламчи ресурсларни қайта ишлашнинг замонавий технологиялари ва улар асосида янги композиция материалларини яратиш» мавзусидаги халқаро илмий семинарнинг долзарблиги ҳам шу билан изоҳланади. У НАТОнинг Илмий қўмитаси ҳамда Фан ва технологиялар маркази томонидан Италиянинг «Рома Ричерче» консорциуми билан биргаликда ташкил этилди. Семинарда Австрия, Жапон, Буюк Британия, Исроил, Италия, Португалия, Россия, АКШ, Украина, Марказий Осиё мамлакатлари олим ва мутахассислари иштирок этмоқда.

— НАТО Илмий қўмитасининг ушбу соҳани ўз ичига олган янги дастури шундай деб аталади. Дастур раҳбари Алан Жубье семинар қатнашчиларини унинг асосий йўналишлари билан таништирди. У сайёраимизда хавфсизлик ва барқарор ривожланишга хавфлар кучайиб бораётган шароитда халқаро бирдамлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга бағишланган. Экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича илмий-техник тадқиқотларни амалга ошириш дастур доирасидаги муҳим қадам бўлади.

Келгуси авлодлар фаровонлигига тўпланиб қолган ва мунтазам ортб бораётган чиқиндилар ҳақиқий хавф сомоқда, деди ўз маърузасида «Рома Ричерче» консорциуми бош директори Карло Корси. Бу муаммони ҳал қилиш долзарблиги БМТ томонидан тасдиқланган «XXI асрнинг бутунжаҳон кун тартиби»да қайд этилган. Иқтисодий ўсиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва чиқинди чиқариш ўртасидаги нисбатни ўзгартиришга саъй-ҳаракатларни йўналтириш лозим. Экологик хавфсиз технологиялар яратиш, уларни ишлаб чиқаришга татбиқ этиш жараёни бошланди, ammo унинг суратлари давр талабларига жавоб берайди. Шу билан бирга кўпгина мамлакатлар олимлари бу борада катта салоҳиятга эга ва уни қўллаб-қувватлаш керак. Жумладан, Ўзбекистон олимларининг факултетада шариоитларда фойдаланиш мумкин бўлган янги композиция материалларини яратиш борасида ютуқлари бутун жаҳонга танилди.

Семинарда бундай фаолиятни кенгайтириш имкониятини муҳокама этилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди. Семинарнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маъраҳатчиси А.Абдувоҳитов иштирок этди.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.



Олий ҳарбий божхона институти — етук кадрлар тайёрлашга шай

Истиқлолнинг 12 йиллиги арафасида, республика Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан етук божхона кадрлар тайёрлаш мақсадида Олий ҳарбий божхона институти ташкил этилди. Кунги кеча мазкур институтда ўқишга илк мартаба қабул қилинган тингловчиларини самимий қутлаб, уларга келгусида юртимиз иқтисодий сарфаларини қўриқлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, божхона сисётини юритиш каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишга муваффақиятлар тилди.

Талбирда нутқ сўзлаган Давлат божхона қўмитаси раиси генерал-майор Ботир Парпиев қабул имтиҳонларидан муваффақиятли ўтиб, Олий ҳарбий божхона институтида тахсил олиш бахтига муяссар бўлган тингловчиларини самимий қутлаб, уларга келгусида юртимиз иқтисодий сарфаларини қўриқлаш, ички бозорни ҳимоя қилиш, божхона сисётини юритиш каби масъулиятли вазифаларни амалга оширишга муваффақиятлар тилди.

Талбирда қатнашган Ўзбекистон Қарамони Абдулла Орипов ҳам тингловчиларини мазкур тантана билан самимий табриклаб, айни пайтда мустақил юртимизнинг иқтисодий жиҳатдан юқалишида мазкур соҳа ходимлари зиммасига низоҳатда масъулиятли вазифалар юклаганлигини таъкидлаб ўтди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиёда ягона ҳисобланган мазкур институт малакали бакалавр ҳамда магистр даражасидаги божхона мутахассисларини тайёрлайди.

ДБК матбуот хизмати.
СУРАТЛАРДА: институт очилишига бағишланган тантанадан лавқалар.

Минг бир жоним фидо сенга, ИСТИҚЛОЛ!

Ақлимни танганимдан то етмишинчи йилларгача оиламиздаги катта сандиқда бугунги сақланган, бу бугунги йилга янги ҳосил билан алмаштириб турилар эди. Кейинчалик бу ҳолатнинг сабабини онамдан сўраганимда, «Эй қизим, бундай тўқинчилик замон элигинга бўлди. Очарчилик, қийинчилик кўравериш задал бўлиб қолганлигимиз учун мана шу уйимиз тўридаги сандиқдан бугунги узилмас эди. Худога шукру, у кунлар ўтиб кетди», деганини эсласам, етмиш йилдан зиёд ҳукмронлик қилиб, куч-қудратини дунёга намоиш этиб келган Совет давлатида ўн-ён беш, нари борса йигирма йилгина тўқинчилик бўлган экан. Ҳали-ҳануз даврларда айримларнинг «Қандай тўқинчилик замонлар эли-я», деган сўзларини эшитиб, «Қорнимга эмас, қалримга йилгаман», деган мақоли эсимга тушади. Мана шу қорин қайғусидоғлар йигирма йиллик тўқинчилик эвазига ақдоллари улуг ўтган бир бутун халқнинг қўлга айланиб тилини, динини унуттаётганини, миллатнинг келажакни қураб қўзларию, ҳақиқатни айтар сўзларини мустақил тушун «тегри» олганлигини, энг ачинарлиси, ёш авлоднинг идрок ва маънавияти манкурлиги қолганига вожа етганлигини билишарми-

кан. Ҳатто, дунё танитган буюк боболаримиз қолиб, оёқ-қўлимиздан то маънавиятимизгача қуллик қиланларини солган «улуг дохий»лар-у, «улуг оғаларга саждалар қилиб яшадик. Бой тарихимиз, буюк аجدларимиз бўла туриб саводлик, қора халқ сифатида камситилдик. Биз солик тузум учун фақат қўлиб илтифат қилиш эдик, холос. Биргина Ўзбекистон туманидаги Ражабардори кишлоғимизни эсласам, ота-боболаримиздан қолган ўрикзорларнинг барчаси текислашди, ўрига пахта экилди. Ҳатто, туман ижрокўми биноси олдидagi гулзор ўридан тортиб, довга эшиклар олдигача пахта экишга буйруқ берилди. Мактаб ўқувчилари-ю, чолу-кампирилари то боғча болаларига пахта йиғимда қатнашини шарт эди.

Энг ачинарлиси, халқимизнинг чигит униб чиққанларидан январь ойига қадар мана шу қаттиқ меҳнатининг самарасини, хуэр-қаловатини ўзгалар тортганимизни эсласам, юрагим зиллади. Бу элимизнинг топталган қадридан бир томчисигина холос.

Қорни тўку усти бутлиги учун шукру қилиб яшаган, шукроналикка мойил халқимизнинг қарақт онги ўзлигини англаш, эркинликдан йироқда эди, ушунда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

давомида ташкилотнинг институционал негизини яратиш, ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш борасида муҳим қарорлар қабул қилинди.

Ташкилот ШХТ асосига киритилган ўзга мамлакатларга қарши қаратилмаган.

ШХТ: УЧРАШУВ ЖОЙИ — ТОШКЕНТ

лигини англаувчи тамоийлар ва мажбуриятларга риоя қилишни тасдиқлаган бошқа давлатларни ҳам қўшиб олишни истисно қилмаслиги муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, ташкилотнинг оқиқиди ва ҳам минтақавий, ҳам халқаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида қўп томонлама мулоқотлар олиб боришга тайёрлигини тасдиқлайди, булар давлатимиз манфаатларига ҳам шак-шубҳасиз мос келади.

Ўзбекистон Республикаси, ташкилот иштирокчиларидан бири сифатида, унинг аъзолари билан икки томонлама ва қўп томонлама муносабатларни кенгайтиришдан манфаатдордир. Бирок ШХТ доирасида қабул қилинган сийёсий, иқтисодий, маданий, инсонпарварлик соҳаларида тааллуқли барча қарорларнинг муваффақиятли ижроси, энг аввало, минтақادا барқарор вазият таъминла-нишига боғлиқ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташкилотнинг Москва саммитида айнан масаланинг шу жиҳатига эътиборни қаратиб, ШХТ фаолиятининг устувор йўналишлари халқаро терроризмга, радикал, агрессив экстремизмга ва сепаратизмга, наркотрафик ҳамда уюшган жиноятчиликка қарши курашдан иборат бўлмоғи кераклигини таъкидлади.

Ташкилот фаолиятини йўлга қўйиш бошқа ҳужжатларни имзолаш билан бирга юқсак даражадаги навбатдаги учрашувни Тошкентда ўтказиш ва ШХТ раслигини Ўзбекистонга бериш, шунингдек, Минтақавий ақсилтероп тузилмаси Ижроия қўмитасини мамлакатимиз пойтахтига кўчириш тўғрисидаги баёнот Москва саммитининг муҳим қарори бўлди. Бу давлатимиз ташқи сийёсат борасидаги олимларнинг самарали ва таъсирчан бўлаётганлигининг маънавий ифодаси эканлиги шубҳасиздир.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти қатнашчилари бўлган мамлакатлар Ташқи ишлар вазирлар кенгашининг навбатдан ташқари мажлиси Тошкентда ўтказилиши халқаро майдонда тобора катта нуфузга эриш-яётган ШХТга аъзо давлатлар геосийёсий маконда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим оимд касб этаётган мазкур ташкилотнинг барқарорлишида тарихий босқич бўлади.

Бахтиёр ИРИСОВ,
«Жаҳон» Ахборот агентлигининг сийёсий шарҳловчиси.

ИРОДА — ТАНАЛОВ ҒОЛИБИ

БУҲОРО (ЎЗА мухбири Илҳом САҒАР). Бухоро оқим-овқат ва енгил саноат технологияси институти магистранти Ирода Абдуллаева ёғларни қайта ишлаш технологияси борасида излашни олиб бораётти. Ўзбекистон Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати республика марказий кенгаши шу йилнинг бошида институт ва университетлар ўртасида «Тарихий билмай, келажакни қўриб бўлмайд!» мавзусида иккидунг танловни ўтказди. Танловда иштирок этган Ирода дастлабки босқичда ғолиб бўлиб, кейинги — республика босқичига йўллана олган.

Олтидан зиёд талаба иштирок этган яқунловда босқичда Ирода Абдуллаеванинг ишоси танлов ҳаётининг энг юқори баҳосига сазовор бўлди. У биринчи даражали диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Бировнинг ҳақи тешиб чиқар, ҳаромдан ҳазар, деган халқ нақллари кимлар учундир эскирган ибораларга айлиниб қолган кўринади. Иўқса, Пскент тумани меҳнаткашларининг ҳалол нолларини «туя» қиладиганлар бунчалик кўпайиб кетмасди. Биз мазкур туман ишичи ва хизматчиларига иш ҳақларининг ўз вақтида тўлиниши аҳволини таҳлил қилиб ана шундай хулосага келдик.

Туман аграр ҳудуд ҳисобланиб, аҳолининг 75 фоизи қишлоқ ҳўжалигига жалб қилинган. Туман ҳўжаликлари бўйича (2003 йил 1 январь ҳолатига) ўтган йилги иш ҳақларидан 538,3 миллион сўм нақд пул ва 180,7 миллион сўмлик иш ҳақи натура шаклида тўланган. 147,9 миллион сўмлик иш ҳақи тўланмасдан жорий йилга қолдиқ бўлиб ўтган. 2003 йилнинг 1 июль ҳолатига эса бу кўрсаткич 175 миллион сўмни ташкил қилди.

Жорий йилда ўтказилган текширишлар, ҳақиқатан ҳам, айрим ҳўжаликларда иш ҳақи тўлинишида қўпол қонунобузишларига йўл қўйилганини ва айрим ҳўдаларда ҳақиқий ҳолатни яшириш мақсадида иш ҳақи тўғрисидаги ҳисобот ҳужжатларига сохта маълумотлар киритилганини кўрсатди. Жумладан, А. Дўстбеков номи ширкат ҳўжалиги мансабдор шахслари ишчиларга иш ҳақи тўламасдан қарздорлик микдорини камайтириш мақсадида турфа хил қонунобузиш йўллари ўйлаб топилган.

Ҳўжалик раҳбари кўрсатмаси билан бош ҳисобот, ер тузуви ва тафтишчиёсандан иборат таркибда комиссия оилавий пулрақчиларнинг ер майдонларидан фойдаланишлари бўйича текшириш ўтказган. Текширишлар пулрақчиларнинг иштирокис олиб борилган. Комиссия ҳулосаларига кўра, 15 нафар пулрақчи тўғр 1-1,5 гектарга ошмиқ майдондан фойдаланган. Комиссия фойдаланилган ортиқча ер учун улардан жами 1,6 миллион сўм қўшимча ижара ҳақи ундириш кераклигини тўғрисида далолатнома тақдим этган. Бухгалтерия томонидан ушбу қўшимча ижара ҳақи ҳўжаликнинг пулрақчилар олдидан иш ҳақи қарздорлиги билан қоплатилиб, уларга маош тўланмаган.

Мазкур ҳолат бўйича ўтказилган текширишларда маълум бўлишича,

дан Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноят иши қўзғатилиб, банк ва ҳўжаликнинг мансабдор шахслари тегишли жа-зога тортилди ҳамда қонунсиз олинган «Нексия» автомашинаси сотилиб, сотувдан олинган нақд пуллар ўз эгаларига тарқатилди.

Ковун қовулдан ранг олади, деганларидек, тумандаги Й. Охунбо-

БИРОВНИНГ ИШ ҲАҚИ



эвазига «Нексия» минибу юрганларнинг аҳволи вой бўлди

боев ва А. Навоий номи ширкат ҳўжаликларида ҳам худди шундай қонунобузишлари содир бўлди. Ушбу ҳўжаликларнинг ҳам иш ҳақи ва бошқа тўловлардан қарзлари мав-жуд бўлгани ҳолда ҳўжаликнинг мансабдор шахслари ўз ваколатлари-нинг сунгистемол қилинган. Оқибатда Й. Охунбобоев номи ширкат ҳўжалигида 2002 йилги гал-ла траншилдан 7 миллион сўми «Ман-тиз», А. Навоий номи ширкат ҳўжалигида эса 7,5 миллион сўми «Тик» автомашинаси сотиб олиш учун қонунсиз ишлатиб юборилган. Вақодинки, ушбу ҳўжаликларда хиз-матда фойдаланиш учун автомаши-налари мавжуд эди.

Мазкур ҳолатлар бўйича ҳам ту-ман прокуратураси аралашуви бил-лан 14,5 миллион сўмлик зарарлар айбдорлардан нақд пул шаклида ун-дирилиб, ҳўжалик аъзоларига иш ҳақи сифатида тарқатилди.

Хўш, ширкат ҳўжаликларидаги ўйинлар бюджет ташкилотлари «майдон»ларига кўчмаштимикки?

Афсуски, текширишлар умумий закирининг ҳақлари ва томонга ҳам улашиб кетганлигини кўрсатди. Тумандаги бюджетдан молиялашти-рилмаган корхона ва ташкилотлар-да ҳам иш ҳақлари ўз вақтида тўла-масдан, кечиктириб келинаётганли-ги аниқланди.

Далиллар ўжар бўлади. Таҳлил жараёнида улар «тилга кирди» ва ларида туман бўйича корхона ва ташкилотларнинг фойдаланилган электр энергиясидан 114,3 миллион, табиий газдан 6,3 миллион ва сувдан 4,5 миллион, аҳолининг эса электр энергиясидан 15,6 миллион, табиий газдан 105 миллион ҳамда ичимлик сувдан 429 минг сўмлик қарзлари мавжудлиги ва мутасалли идролар томонидан уларни унди-риш бўйича зарур чоралар қўри-маётганлиги аниқланди. «Пскент-малтуботсавдо» акциядорлик жамия-тидаги аҳвол бундан ҳам ёмон. Ушбу жамият мансабдор шахслари савдо дўконларини муҳим истемол то-варлари билан етар-лич таъминламаган. Аҳолига савдо хиз-мати кўрсатиш сифати қониқарсиз даража-га тушиб қолган.

Таҳлилларга кўра, жорий йил-нинг январь ойида туман аҳолиси учун 229 тонна ўригана 23 тонна, февраль ойида 225 тонна ўригана 69 тонна, март ойида 290 тонна ўри-гана 28 тонна, апрель ойида 184 тонна ўригана 29 тонна уш ма-хсулотлари олинган, холос. Май ойи-риш тўғрисида»и Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 14 декабрдаги «Республикада сав-дон эркинлаштириш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги 604-сонли қаро-ри талаблари бажарилмасдан кели-наётти, яъни аҳолига маънавий ва савдо хизмати кўрсатиш даражаси қониқарсиз аҳволда.

Масалан, тумандаги энг йirik банк ҳисобланган РАТБ «Пахтабанк»нинг туман филиали томонидан иш ҳақи ва пенсия тўловлари учун бир ойда ўртача 200-250 миллион сўм микдоринда нақд пул чўқим қилинган ҳолда атиги 100-110 миллион сўм нақд пул ки-рим бўлган, холос.

Жорий йилнинг апрель-май ой-

нинг январь ойида ўтган 2002 йил-нинг январь ойига нисбатан 33,4 миллион сўмдан 15 миллион сўмга, февраль ойида 39 миллион сўмдан 16 миллион сўмга, апрель ва май ой-ларида ўртача 43 миллион сўмдан 7 миллион сўмга, март ой-ида эса 49,8 миллион сўмдан 2 миллион сўмга тушиб қолишига сабаб бўлган. Юзага келган ҳолат-ни ҳисобга олган ҳолда туман про-куратураси томонидан «Пскент-малтуботсавдо» акциядорлик жамия-ти раҳбарлари ва маъсул шахсла-рига нисбатан Жиноят Кодекси-нинг 207-моддаси 1-қисмига асо-сан жиноят иши қўзғатилди, про-куратура ҳузуридаги ишчи гуруҳи ташаббуси билан ташкилотлардан 111,7 миллион сўм ичимлик суви ва 9,4 миллион сўм табиий газ бўйича 27 миллион сўмлик қарзлар унди-рилиб, банкга нақд пул топширилди.

Банкда пул оборотини шаклан-тиришда нима учун мутасалли идо-ралар, маҳаллий ҳокимият лоқайд-ликка берилиб, прокуратура арал-лашини куттиб ўтиришди? Дўкондорларнинг дўконини тўди-риш, хизмат даражасини ошириш, корхона ва аҳолидан коммунал, электр, сув, газ хизмати тўловла-рини ундириш учун ҳам юқоридан буйруқ ёки кўрсатма куттиш зарур-ми? Нега ҳар биримиз ўз вази-фамизни диддан адо этмаймиз? Ана шу божбеғаллик, бекунтлик, қола-верса, «енг ичидаги» жиноят одам-ларнинг ишончини йўқота бошла-ди. Ишончини йўқотганининг оқи-бати эса ёмондир. Шу тўғрйдаги Пскент тумани ҳокими номига ки-ритилган 8 та тақдимномага асо-сан «Пскенттаъминоти» корхо-наси раҳбари А. Тошқўжаев, «Сув-тармоғи» корхонаси раҳбари С. Ко-милов ва «Пскентмалтуботсавдо» акциядорлик жамияти раиси Ш. Шерматовлар эғаллаб турган ла-возимларидан озод этилди. Тўққиз нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилди.

Энг қизиги, январь ойида ша-кар, гуруч, макарон, гўгурт, чой ва туз махсулотлари, февраль ойида ўсимлик ёғи, ҳўжалик суви, гу-руч, макарон, чой ва гўгурт махсу-лотлари умуман олинмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак-ки, махсулот таъминотида таниш-билишчилик ва ошпа-оғайнинг тар-тибига йўл қўйилган. Махсулотлар айрим дўконларга қўп, айримлари-га кам берилган ва базиларига эса умуман тарқатилмаган.

Юқоридаги каби қонунобузилиш ҳолатлари натижасида жамият бўй-ича нақд пул тушуми жорий йил-



Бундан бир неча йил аввал кўшни кишлоқлик икки кўли йўқ бир йигит оёқлари билан телевизорларни моҳирона тузатишни кўриб лол қолгандим. Албатта, бу воқеани эсга олишимнинг сабаби бор. Хеч эшитганимиз, ўзбекистонлик футболчининг «олтин бутси»ни олганини? Маълумки, бундай юксак мукофот жаҳон чемпионати мусобақаларидан сўнг, энг кўп гол урган ҳужумчига берилади. Ҳикоя қилмоқчи бўлган қаҳрамонимиз ҳам ана шу совринни кўлга киритган футболчидир.

Матонат

ОЛТИН БУТСИ СОҲИБИ

1990 йил ноғирон футбол жамоалари ўртасида Америка Қўшма Штатларида ўтказилган жаҳон чемпионатида олтин медални кўлга киритган собиқ иттифоқ терма жамоасининг 18 ёшли ҳужумчиси Абдужамил болалигинданок футболчи бўлишни ороу қилган эди.

1972 йили Тошкент шаҳрида туғилган Абдужамил Шукуров 5-6 ёшданок онаси Насиба опанинг ҳай-ҳайлашига қарамай кўшни болалар билан футбол ўйнай бошлади. Ундаги қизиқишни кўрган ота Абдужамилни 8 ёшга тўлар тўлмас шаҳардаги 2-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига олиб боради. У спорт мактабига мураббийларнинг кўрсатмаларини қийналмай бажарар, топшириқларни тезда ўзлаштириб оларди. Абдужамилдаги тиришқоқликни кўрган мураббийлар уни ўсмирлар терма жамоасида ҳам синаб кўра бошлади.

Навбатдаги машғулотларнинг бири 17 та тўлган Абдужамилни бутун умрга мажруҳ қилиб қўйди.

— Уша кўни икки жамоага бўлиниб, бўлгуси беллашувга тайрарлик кўраётган эдик, — дейди Абдужамил Шукуров. — Рақиб жамоа ўйинчиларини бирин-кетин алдаб ўтаётган пайтда, тўпни олиб қўйиш учун бир футболчи ташланди. Ундан тўпни эпчиллик билан олиб

ўтди, лекин оёғимга тушган зарба... Уйин пайтида унчаллик эътибор бермаган эканман. Учрашув тугагач, оёғимнинг шишиб кетганини кўргач, шифокорга мурожаат қилдим.

Тақдирнинг ўйинини қарангки, Абдужамилга шифокор нотўғри ташхис қўйди. Агар ўшанда мутахассис жароҳатни тўғри аниқлай олганда, Абдужамил тўрт мучаси соғ бўлиб юрарди. У эса «хавфи эмас, тезда тубулиб кетди» дея, қонни тўхтатиш учун парафин қўйди. Ваҳоланки, оёқдаги артерия қон томириндан бошқа барча томирлар узилиб кетган эди. Шу оёқ билан ҳам салкам икки ой юрди. Охири тиззасининг тепаси шишиб, юрولмай қолгач, яна шифокорга боради. Вақт ўтиб кетганини англаган тиббиёт ходимлари... чап оёқни кесиб ташлашади.

Уша куларни эслаб Абдужамил ака «Бутунлай ҳаётдан умидим узилганди. Биласизми, бир кўни «Пахтакор»нинг мамлакат чемпионатидаги навбатдаги ўйинини телевизор орқали кўраётган эдим. Биринчи бўлим якунлангач, танафус пайтида ноғиронлардан тузилган янги «Байналмилал» жамоасининг ўйинларини намойиш қилиб қолди. Бир оёғи билан тўп тепаётган кишиларга кўзим тушди-ю, чидолмай телевизорни ўчириб

қўйдим» дейди. 1990 йилда Абдужамил ака оёғига протез қилдираётган пайт. Тошкент протез завоидига келган «Байналмилал» жамоасининг бош мураббийи Вячеслав Алпатов ҳаётнинг қутулмаган зарбаси туфайли майиб бўлиб



қолган бир неча йигитларни МХСК стадионига олиб бориб, футбол ўйнатиб кўради. Шуларнинг орасида Абдужамил ҳам бор эди. Аввалдан футбол ўйнаб юрган эмасми, унинг тўп тепиши мураббийга маъқул келиб, жамоага таклиф қилади. Бошида шунчаки таклиф қилин- қўйди дея эътибор бермай юрди. Лекин Алпатов телефон қилиб қақравергач, 1990 йилнинг 7 май кўни биринчи машғулотга боради. Эртасига эса Москвага учиб

кетди. — Москвада маҳаллий жамоа билан ўртоқлик учрашуви ўтказдик. Абдужамилни жамоага янги келгани учун москваликларга бериб турдик. Улар Абдужамилни ҳимояга қўйишди. Қани, ундан ўта олмас. Ҳарчанд уринмайлик москваликлар дарвозасига тўп кирита олмадик, — дейди жамоа аъзоси Бахтиёр Ражабов. — Шундан

кейин иккинчи бўлимда уни ўзимизга қайтардик. Биз уни ҳужумда ўйнатдик. Натига эса ёмон бўлмади— бешта гол.

Икки ойлик тайёргарликлардан сўнг, қаҳрамонимиз собиқ иттифоқ терма жамоаси таркибига Америка

вадор устидан галабага эришилади. Ноғирон футбол жамоалари ўртасида кечадиган жаҳон чемпионати ўйинлари қондаси олдий футбол мусобақаларидан бутунлай фарқ қилади. Унда жамоалар «икки фронтда» кураш олиб борадилар. Аввалига кичик майдонда, кейин эса катта футбол майдонига кўч синашадилар. Табиийки, бу ҳар қандай футболчидан жуда катта матонат талаб этади. Шуниси, таҳсинга сазоворки, вакилларимиз Америкада фақат катта майдонда зафар кўчиган бўлса, Тошкентда иккала майдонда ҳам ўз устунликларини намойиш этишган.

Футболчимизнинг энг катта ютуғи, шубҳасиз, 1998 йил Англиянинг Манчестер шаҳрида ташкил этилган жаҳон чемпионатида кўлга киритилган. Абдужамил ушбу биринчиликда рақиблар дарвозасига 17 тўп киритиб, чемпионатнинг энг сермахсул ҳужумчисига берилдиган «олтин бутси»га сазовор бўлган эди.

1995 йил Сочида МДХ давлатларининг ноғирон футбол жамоалари ўртасида Россия оқиқ чемпионати ташкиллаштирилади. Россия ва Украинадан бир неча жамоалар иштирок этган ушбу биринчиликда Ўзбекистоннинг «Байналмилал» жамоаси галаба қозонади. Ёмғир остида қозонган финал баҳсида Россиянинг кўп қарра чемпиони «Спартак» ҳамюртларимиздан 3:1 ҳисобида енгилди. Уша кўни баҳсда футболчимиз россияликлар дарвозасига иккинчи голни бош билан шу даражада чиройли жойлаб қўйдики, «Спартак»нинг бош мураббийи Абдужамилни ўзи табриқлайди.

Ҳа, бундай инсонларнинг ирода-ю, матонатига қўйил қолмасдан илож йўқ. Юртимиз доғруғини дунёга тарабатган Абдужамил сингари спортчиларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Дилмурод ПАРПИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббиётимиз заҳматқашлари



БЕДОРЛИК

Шифокор ҳаётига чизгилар

Х аётда ҳар нарсанинг, ҳар кимнинг ўз табири бор. Оқ халат кийган кишиларга шифокор ё ҳамшира деб таъриф берамиз. Тўғри. Бирок улар энгиларидаги халатни ечишлари билан сизу биздай олдий одамга айланмади-қолишди. Уларнинг ҳам оиласи бор. Қувонч, ташвиши етарли. Қиз чиқариб, ўғил уйлаши, унғача уй таъмири... Аммо улар орасида фалати тоифадагилари ҳам бор-да. Бундайлар халатни ечгач ҳам оила, бола-чақадан аввал боғина қабулда бўлган ёки ҳалигана кома ҳолатида келтирилган беморнинг ҳаёлида бўлишади. Аслида бемор шифокор учун ғирт бегона. У даража куйиб-пишмас ҳам бўлади. Лекин у айни дамда шу шифокор ёради, мадади, маҳамига эр. Ундан нажот кутди, дардини аритишига ишонч билан ҳаётини унинг қўлига топширади. Қимнингдир ҳаёт-мамоти ўз қўлида эканини ҳис этиш, Гиппократ қасамидан ҳам устун турғувчи инсоний меҳр-муруват кўрсатиш ҳар нарсадан-да муҳимроқдир. Демак, бу тоифа шифокорлар, ўзлардан кечиб бўлса-да, ўзгалар учун қайғурари, ўзгалар, ҳаёли билан яшайди. Ўзгаларга қайта умр бахш этиш гўё ўз умрини узайтираётгандек уни мамнулик билан қабул қилади. Буларнинг бари бедорлик ҳисобига...

Бахтиёр Қодиров, очини айтганда, ўн беш ёшдан буён бедор. Ишчи ёшлар мактабига ўқиб юрган кезларидаёқ ТошМИда лаборант бўлиб ишлаш бошлаган. Ушандаёқ унинг олдига бир аҳд паймон турган — шифокор бўлиш. Ундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Чунки оилавий муҳит, онаси, республикада таниқли акушер-гинекологлардан бири Арслат Қодирова фарзандларида ўз касбига мойиллик, меҳр уйғота олган бўлса, ажаб эмас. Узининг ўтган бедор туллари фарзандлари ҳам ҳис этишини хоҳлагандир балки.

У меҳнатдан сира қочмади. Лекин ҳамша онасининг «Одамлар корига ярасанг, улар дардига малҳам бўлсанг, беморларнинг кўзида миннатдорлик ифодасини кўрасан. Бунинг учун эса тимий меҳнат қилиш керак», деган сўзлари қулугига қайта-қайта қуюлаве-

ради. Тошкент давлат тиббиёт институтининг педиатрия факультетида ўқиб юрган пайтларида ҳам шаҳар тез ёрдам станциясида фельдшер бўлиб ишлаганини ким билди, ким билмади. Кейинроқ шу ерда шифокорлик ҳам қилди. Асли бедорлик ўша пайтлари бошланганди.

Ўзининг ҳикояси

«Дўхтурларнинг ҳаёти қизиқ-да. Деярли ҳамма касб эгалари кўннинг маълум вақтида ишлаб, кейин дам олишади. Бунда унақаси камдан-кам бўлади. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ёз кунларидан бирда уйда меҳмондорчилик, очиги, туғилган куним эди. Бирдан институтдан чақириб қолишди (Унда Педиатрия илмий тадқиқот институтида ишлардим). Қайсидир вилоятдан бемор болани ёғир аҳолида олиб келишсан. Жигари ишигани учун уни сариқ билан оғриган деб уйлашсан. Аммо текширувлар буни тасдиқламаган. Зудлик билан консилиум қилинмаса, бола оғирлашиб қолиши мумкин эди. На илож, хизматчилик. Меҳмонларни Раёхонага топшириб, ўзим бемор олдига ишогаман. Бунақа воқеалар жуда кўп бўлади. Уйдагилар кўнлик кетишсан. Чунки «яримиз» ҳам педиатр. Тоғо кечаси билан бемор болалар тепасида бедор қолиб кетган пайтлари кўп бўлади».

И лм амалиёт билан қўшиб олиб борилса, самараси тездорк юзага қодиранинг болаларда учрайдиган кўпгина хасталикларни амалиётда кўриб, давосини қилгани унинг илмий ишларида асқотди. Урта Осё Педиатрия тиббиёт институтида ишлаб юрган кезлари амалиётдан ажралмаган ҳолда номзодлик ишини ҳимоя қилди. Болаларда учрайдиган жигарнинг суррункали хасталикларни мавзудаги докторлик илмий ишининг тайёр бўлиши бир оз қўзилган бўлса-да, лекин унинг ёрдами, давоси билан қанчаланди-қанча бемор болалар дардан фориг бўлиб, ота-она бағрига қайтди. Қанчаланди-қанча онла қувончига шерик бўлди Бахтиёр ака.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири.

«Халқ сўзи» «Народное слово»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати: Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. ДЮГАЙ, Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. КУЧЕРЕНКО, М. МИРАЛИМОВ, С. МУҲИДИНОВ, Ш. РИЗАЕВ, А. САЙДОВ (масъул котиб — «Народное слово»), М. САФАРОВ, И. УТВОСАРОВ, О. ҚАЙПБЕРТЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), А. ҲАЙДАРОВ, Ҳ. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетчилик ва матбуот — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва хаққор ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 868, 23016 нухсада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета тахририят компьютер базисда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва А. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА. Навбатчи — Р. ЁРЛАҚАБОВ. Муасхих — Ш. МАШРАБОВЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қозондан зиёд материаллар қабул қилинмайди. □ — тижорат материалли.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилади — 21.00. 2 3 4 5 6

Vinlad СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОЕ ПРОИЗВОДСТВО ПРЕДПРИЯТИЕ
КОМПЛЕКСНЫЕ СИСТЕМЫ БЕЗОПАСНОСТИ НА БАЗЕ ТЕХНИЧЕСКИХ СРЕДСТВ
PANASONIC, SHExport, J&S, ALARMCOM, CISA, FERMAX, ELKOSTA, OPTEX, CAME
CCTV - системы телевизионного наблюдения
Охранно-пожарное оборудование
Системы охраны периметра
Системы контроля доступа
Защитные пленки и стекла
Металлодетекторы
Адрес: г. Ташкент, ул. Кушбеги, 18
Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13,
Тел./факс (998 71) 120-66-01.
E-mail: vinlad@naytov.com

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОН
Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товок, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини тақлиф этади.

MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ
Хонадонингиз, ҳовлининг дизайнини яқка тартибда ишлаб беради. Каталог бўйича бюртмангиз етказиб берилди.
Янги маҳсулотлар
Ўзбекистон бўйича етказиб ва йиниб бериш — БЕГУЛ. Тушликисиз ва дам олиш кўниси ишлайми.
Манзилми: Тошкент ш. Қунаев к. (собиқ Сапёрна), 46-уй.
Мўлкал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail: maksima@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.

«Бошқоммунгаз» корхонасининг «Ўзтехгаз» шўба корхонаси. ОКПО коди 18660748 тугатилади. Давовлар эълон чоп этилгандан бошлаб 1 ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй, 2-қават. Телефон: 132-26-03, факс 133-89-95.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
аспирантурага қуйидаги мутахассисликлар бўйича 2003 йилга **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**
1. 05.12.02 — алоқа каналлари орқали ахборот узатиш тизимлари ва қурилмалари;
2. 05.12.14 — алоқа тармоқлари, тугунлари ва ахборотларни тақсимлаш;
3. 05.12.17 — радиотехника ва телевизион тизимлар ва қурилмалар.
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда, олий маълумотли, 30 ёшгача бўлган шахслар ариза беришлари мумкин. Ҳамдўстлик ва хоржий мамлакатлар фуқаролари шартнома асосида қирғиллари мумкин. Комиссия томонидан танлов иштирокчиларни топширишга тавсия қилинган шахслар жадвал бўйича қуйидаги фанлардан илтиқон топширадилар:
— танланган мутахассислиги бўйича;
— фалсафа ва Ўзбекистон тарихи;
— хоржий тилдан.
Ҳужжатлар 2003 йил 30 сентябргача қабул қилинади. Қабул комиссияси институтининг аспирантлар марказида (институт босонининг ун қанотида), 345-хонада жойлашган. Манзил: 700004, Тошкент шаҳри, А.Темур кўчаси, 106-уй.
Телефон: 35-08-84, факс: 35-10-40.

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ДОКТОРАНТУРА ВА АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА **ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**
Докторантурага: педиатрия — 1, болалар хирургияси — 1.
Аспирантурага: қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари — 1, педиатрия — 1, юқумли касалликлар — 1, тери-таносил касалликлари — 1, асаб касалликлари — 1, травматология ва ортопедия — 1, суд тиббиёти — 1, хирургик касалликлар — 1, ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш — 1, болалар хирургияси — 1, анестезиология ва реаниматология — 1, эндокринология — 1 (мақсадли).
Ҳужжатлар 2003 йил 20 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Ж.Обидова кўчаси, 223-уй. Телефон: 162-33-73.

SHAYHONTOHUR TEXTILE
AYGEN COLLECTION
МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ:
Аёллар, болалар ва эркаклар учун юқори сифатли спорт ва трикотажа кийимлари.
Табдиқорларни Ўзбекистон ва МДХ бўйича дистрибуторликка тақлиф этамиз.
Манзил: Тошкент шаҳри, Максуд Шайхзаода кўчаси, 1-уй.
Тел.: 116-86-57, факс: 116-86-53.
Мулукот учун шах. Абдулвоҳит Ибрагимов.
E-mail: shayhontohur.textil@uzpak.uz www.shayhontohur.com

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти жамоаси Котибият Юридик бўлими мудири А. Йўлдошевга волида муҳтарамаси **ЖЎРАХОН** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чукўр ҳамдардлик изҳор этади.

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти (SMSIT) маъмурия-ти ва касба уюмасини етакчи илмий ходим, доцент **Эмил МАГРУФОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақилларига чукўр таъзия изҳор қилади.